

Муסיқа Ислом дини нигоҳидан

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Муסיқа бизнинг давримизда кенг ривожланган санъат турларидан бири бўлиб унинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини инкор этиб бўлмайди. Охирги пайтларда овоз техникасининг ривожланиши билан Ислом динининг муסיқага бўлган муносабати ҳамда «*Fiно*» деб аталмиш муסיқасидаги айрим оҳангнинг ҳаром қилинганлиги масаласи устида қизгин баҳслар олиб борилмоқда. Ҳатто сайтимиз ўқувчилари томонидан шариати исломия аҳкомига биноан, қандай ашулани эшитиш мумкин ёки аёл куйлаётган ашулани эшитса бўладими, қабалидаги саволлар бизга туша бошлади. Шу боис, биз ҳам ана шу баҳсда қатнашиб сайтимиз ўқувчиларига қайси муסיқа турлари ҳалол ва қайсилари ҳаром эканлиги ҳақида баҳс юритмоқчимиз. Ўйлаймизки, бу баҳс сиз азизларни ҳам бефарқ қолдирмаса керак.

Шубҳасиз, ҳаёт барпо этилишининг асл мақсади – бу камолотга етишдир. Шунинг учун ушбу мақсадга етиш йўлидаги ҳар қандай воситани Аллоҳ таоло инсоният учун таъминлаб қўйган. Мана шу ўринда инсонлардаги эшитиш қуввати борлиги катта аҳамиятга эга. Чунки, инсон эшитиш орқали ҳақиқатни осонроқ ва тезроқ қабул қилади. Бошқа тарафдан эса инсондаги унинг ҳаётини бошқарувчи марказ – бу унинг мияси ҳисобланади. Иккинчи муҳим орган эса инсоннинг қалбидир. Зеро, қалб ҳис-ҳаяжон ва ишқу-иймон марказидир. Инсондаги бу икки ҳис, яъни кўриш ва эшитиш ҳисси, инсоннинг муҳим бўлган икки органи, яъни мияси ва қалбига олиб борувчи йўлдир. Қуръони Каримда бу борада шундай дейилади:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ ۚ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا

«(Эй инсон,) ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки, қулоқ, кўз ва дил – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) саволга тугтилур». (Исро сураси, 36-оят)

Юқоридаги ояти каримадан маълум бўладики, қиёмат куни барпо бўлганда, ҳар биримиз Аллоҳ таолонинг ҳузурини туриб қулоғимиз билан эшитган, кўзимиз билан кўрган ва баъзан қалбу фикримиздан ўтказган нарсалар тўғрисида саволга тугтилгаймиз. Шунинг учун эшитадиган муסיқа

ва кўшиқларимизнинг шариати исломияда қайси бири жоиз (мумкин) ва қайси бири ҳаром эканлигини аниқлаб олишимиз зарур.

Шариатда мусиқа ва ашула эшитишнинг ҳукми ҳақида

«Мусиқа» ёки «муסיқиё» лугатда Ғино маъносига тенг бўлган юнонча сўз бўлиб, диний тушунча ва фикҳий истилоҳга кўра эса, бу икки атама бир-биридан фарқлидир. Шариатда «Ғино»нинг маъноси товушни томоқда чўзган ҳолда айлангириб чиқариш бўлиб, бундай оҳанг тингловчида қувонч, ҳаяжон ва ўйнаш ҳиссини юзага келтиради. Ва бу тарздаги оҳанг айш-ишрат, ахлоқсизлик ва беҳуда ўйин-кулги йиғинларига хос ва муносиб келиши ҳам қўшимча қилинган. Демак, шу йўсинда куйланган ҳар қандай оҳанг, қўшиқ ва ашулани тинглаш шариатда ҳаром этилган.

Лекин мутлақо чолғу асбоблари билан чалинган товушга эса «мусиқа» дейилади. Шунга биноан, шариати исломияда ҳаром қилинган ғино, яъни муайян оҳанг ва куй билан мусиқа ўртасида фарқ бор. Демак, умумий маънодаги мусиқа исломда ҳаром қилинмаган, балки юқорида айтилгандек, тингловчида қувонч, ҳаяжон ва ўйнаш ҳиссини пайдо қиладиган ҳамда айш-ишрат, ахлоқсизлик ва беҳуда ўйин-кулги йиғинларига хос ва муносиб бўлган айрим қўшиқ ва оҳангларгина шариати исломияда ҳаром қилингандир, холос.¹

Қуръони Каримда «Ғино» деб аталмиш айрим қўшиқ ва оҳангларга беҳуда сўз дейилган ва илмсизлик юзасидан Худонинг йўлидан оздириш ҳамда у йўлни масхара қилиш учун бундай беҳуда сўзларнинг айрим одамлар томонидан қўлланиши айтилган ва бунинг оқибати эса тавба қилмаган тақдирда хорловчи азоб билан тугаши уқтирилган:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا ۗ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар илмсизлик юзасидан Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўл)ни масхара қилиш

1. Саййид Мужтабо Хусайний, “Талабаларнинг савол-жавоблари” 169-бет; Имом Хумайний, “Ал-Мақосибул маҳаррамах” 1-жилд, 198-бетдан 224-бетларгача; Али Хусайний, “Ал-Муסיқо” 16 ва 17-бетлар; Оятуллоҳ Табризий, “Истифтоъот” 10, 46, 47 ва 48-саволлар; Оятуллоҳ Фозил Ланкароний, “Жомиъул масоил” 974, 978 ва 979-саволлар.

учун беҳуда сўзни сотиб олурлар. Ана ўшалар учун хорловчи азоб бордир».
(Луқмон сураси, 6-оят)

Буюк муфассир аллома саййид Муҳаммад Ҳусайний Таботабойи юқоридаги ояти кариманинг тафсирида хурофий хикоялар, одамни фисқ-фасодга етаклайдиган романлар ёки турли қўшиқларни тинглаш, хаяжонли ўйин-кулги ва бошқа чолғу асбоблари каби инсонни Ҳақ таолодан чалғитиб ўзига машғул қиладиган ҳар бир нарса «беҳуда сўз» туркумига кирди².

Юқоридаги ояти кариманинг айрим шаъни нузулига кўра, оятдаги «беҳуда сўз»дан мурод чўрилар томонидан куйланган «Ғино»дир³. Муҳаммад ибн Муслим бу борада қуйидагича ривоят қилади: Мен имом Муҳаммад Боқир *(алайҳис салом)*дан ушбу сўзларни айтаётганларини эшитдим:

«Аллоҳ таоло дўзах азоби ваъдасини берган гуноҳлардан бири – бу Ғинодир». Сўнгра ушбу оятни тиловат қилдилар:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар беҳуда сўзни сотиб олурлар...»⁴

Баъзи оҳанг ва қўшиқларнинг ҳаром эканлигига асосий далил-исботларимиз Қуръон оятлари ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ҳамда имомларимиздан ривоят қилинган ҳадислардир. Мазкур ҳукм борасида Қуръон оятларидан Фурқон сурасининг 72-ояти, Ҳаж сурасининг 30-ояти, Мўъминун сурасининг 3-ояти ва Луқмон сурасининг 6-оятини далил сифатида келтира оламиз. Имомларимиз ушбу оятларнинг тафсирида оятларда келган «ботил сўз», «беҳуда сўз» ва «бемаъни сўз»лардан мурод «Ғино» хусусиятига эга куй ва қўшиқлар эканини айтганлар.

2. Саййид Муҳаммад Ҳусайн Таботабойи, “Тафсийрул-Мийзон” 16-жилд, 313-бет.

3. Аминул Ислому Шайх Табарсий, “Мажмаъул баён фий тафсийрил Қуръон” 7/8-бет, 490-бет.

4. Шайх Абду Али ал-Арусий, “Тафсири Нур ас-Сақалайн”, 4-жилд, 194-бет, 5-ҳадис.

«*Ғино*» сўзи луғатда товушни чўзиш, балки ҳар қандай товуш ва овоз маъносини англатади⁵ ва Шайх Ансорий (*рахматуллоҳи алайҳи*)нинг таъбирича, бу маъно-мафҳумларнинг ҳеч бири ҳаром эмаслиги тамоман равшан ва ошкордир.⁶ Шу сабабдан, барча фақиҳ ва мужтаҳидлар беҳуда ва бемаъниликни ҳаром қилинган «*Ғино*» оҳангидаги қўшиқларга тааллуқли деб билганлар, яъни «*Ғино*» хусусиятига эга бемаъни ва беҳуда ашулаларни эшитиш ҳаромдир, деб фатво берганлар.⁷

Фақиҳлар наздида «*беҳуда*» ва «*бемаъни*» сўзларнинг маъноси Худони ёддан чиқариб, бузуқликка учраш демакдир⁸. Уларнинг фатвосига кўра, айш-ишрат, ахлоқсизлик ва кўзғатувчи ўйин-кулги йиғинларига хос ва мос бўлган айрим «*Ғино*» хусусиятига эга қўшиқ ва оҳангларгина ҳаромдир, холос⁹. Баъзи фуқаҳо ва мужтаҳидлар эса «*Ғино*» оҳангига «*беҳуда*» ва «*бемаъни*» бўлишдан ташқари «*мутриб*», яъни ҳаяжонлантирувчи ва кўзғатувчи бўлиш қайд-шартини ҳам қўшимча қилганлар¹⁰.

Одам куй, ашула ва қўшиқ эшитиш таъсирида унинг нафсида пайдо бўладиган ҳамда уни мўътадил ва мувозанатли ҳолатдан чиқариб юборадиган ақлнинг енгил-елпи ҳолатига «*мутриб*» ҳолати дейилади. Мусиқа ва чолғу асбоблари орқали пайдо бўладиган оҳанг ва мусиқа борасида ҳам аксари фуқаҳолар «*беҳуда*» ва «*бемаъни*» бўлган мусиқаларни ҳаром деб биладилар ва баъзилари эса «*мутриб*», яъни ҳаяжонлантирувчи ва кўзғатувчи мусиқалар эшитишни ҳаром деб биладилар¹¹. Барча мужтаҳидлар ҳалол мусиқа ва қўшиқ билан ҳаром қилинганни аниқлаб олиш мезони ҳақида айтадилар: «*ҳаром ва ҳалол қўшиқларни аниқлашда умумни ташиқил этган урфга мурожаат қилмоқлик керак*».¹²

5. Имом Хумайний, «Ал-Макосибул маҳаррамах» 1-жилд, 299-бет.

6. Шайх Ансорий, «Ал-Макосибул маҳаррамах» 1-жилд, 292-бет.

7. Саййид Мужтабо, «Талабалар рисоласи» 640 шаръий саволларга жавоблар, 171-бет.

8. Аҳмад Шармхоний, «Инсон, Ғино, Мусиқа» 14-бет.

9. Саййид Мужтабо, «Талабалар рисоласи» 640 шаръий саволларга жавоблар, 171-бет.

10. Юқоридаги манба.

11. Мужтаҳидларнинг «Тавзийҳул масоил» китоблари, 2-жилд, 813 ва 913-бетлар; «Масоили жаид» 1-жилд, 47-бетдан у ёғи.

12. Оятуллоҳ Макорим Широзий, «Истифтоъот» 2-жилд, 659-савол; Оятуллоҳ Софий Гулпойгоний, «Жомиъул аҳком» 1-жилд, 994, 1018 ва 1020-саволлар; Оятуллоҳ Шайх Жавод Табризий, «Истифтоъот» 1050, 1059 ва 1077-саволлар; Оятуллоҳ Фозил Ланкароний, «Жомиъул масоил» 1-жилд, 996-савол; Оятуллоҳ Хоманай, «Ажвибатул

Ҳар ҳолда чиройли товушни мутлақо ҳаром деб билиш инсон фитрати ва ақлига уйғун ва монанд эмас ва Қуръонни чиройли товуш билан ўқишга буюрган ҳадисларга муҳолифдир. Шунинг учун ҳаром деганда, махсус оҳангда куйланган кўшиқ ва ашула назарда тутилади ва ҳадиси шарифларда ботил ёки беҳуда деб келтирилган иборалардан ҳаром этилган оҳанг ва куйлар турининг меъёрини қўлга киритиш мумкин.

Умуман олганда, нимаики инсон руҳи ва жонига зарар етказса ва инсонни табиий ва оддий ҳолдан чиқариб юборса ҳамда уни салбий хулқ-атвор таъсири остида қолдирса, ўшалар шариати исломияда ҳаром қилинган. Шунга асосан, бугунги кунда одамни жарга итариб ҳаётни маъносиз қилиб кўрсатадиган айрим модага айланган дағал оҳанг ва мусикалар шубҳасиз, Ислом динида ҳаром қилинган. Ва ҳатто бундай кўшиқ ва ашулаларни эшитиш натижасида худкушликка қўл урганлар сони оз эмас. Бу ҳақда мақоламиз давомида айрим кўрсаткичларни келтирамыз.

Ислом нигоҳидан мусиқа ва кўшиқнинг зарарлари

Ислом нуқтаи назаридан мусиқа ва кўшиқнинг зарарлари ҳақида сўз юритар эканмыз, аввало шуни таъкидлашимиз лозимки, айрим оят ва ҳадислар ҳамда баъзи психологларнинг сўзларига кўра, «*Ғино*» хусусиятига эга кўшиқ ва оҳанглар одамнинг фасод ва бузғунликка мойиллигини юзага келтириши, унинг руҳият ва асабига кўрсатадиган салбий таъсири, мустамлакачилар ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида ундан фойдаланишлари ва ҳоказоларни «*Ғино*» оҳангидаги кўшиқ ва ашулаларнинг Исломда ҳаром қилингани ҳикматларидан деб билиш мумкин.

Шунингдек, «*Ғино*» оҳангидаги кўшиқ ва ашулаларнинг ҳаром эканлиги хусусида ворид бўлган ҳадислар мавжуд бўлиб улар далил-исбот сифатида келтирилган. Ушбу ҳадисларнинг баъзиларида мусиқа ва чолғу асбобларидан фойдаланиш ман этилган бўлиб, улар фуқаҳолар томонидан баъзи куй ва мусикаларнинг ҳаром эканлигини исботлаш учун далил сифатида қўлланилган.

истифтоъот” 1127 ва 1154-саволлар; Оятуллоҳ Систоний, “Минҳожус-солиҳийн” 2-жилд, 20-масала; Оятуллоҳ Нурий Ҳамадоний, “Истифтоъот” 1-жилд, 1008-савол; Оятуллоҳ Ваҳид Хуросоний, “Минҳожус-солиҳийн” 3-жилд, 17-масала.

Бу ерда Қуръони Каримнинг баъзи оятлари, ҳадислар ва руҳшуносларнинг фикрларини ўрганиш билан «*Ғино*» оҳангидаги кўшиқ ва ашулаларнинг ҳаром эканлигига доир айрим фалсафа ва ҳикматларни баён этамиз:

1. «Ғино» хусусиятига эга «мутриб» кўшиқ ва оҳанглар одамда фасод, ахлоқсизлик ва бузғунликка мойилликни юзага келтиради:

Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* шундай марҳамат қиладилар:

قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ: الْغِنَاءُ رُفِيَّةُ الزُّنَا

«Ғино зинонинг нарвонидир».

Манба: Аллома Муҳаммад Боқир Мажлисӣ, “Биҳорул-анвор” 79-жилд, 247-бет, 99-боб: Ғино боби, 26-ҳадис, Байрут, Муассасатул вафо нашриёти.

Тажриба ва кузатувларнинг маълум қилишича, кўп одамлар «*Ғино*» хусусиятига эга куй ва кўшиқларни тинглаш таъсири остида тақво ва художўйлик йўлидан оғиб, фасод ва ахлоқсизликка юз тутганлар. «*Ғино*» оҳанги куйланган йиғинлар одатда фасод ва бузуклик ўчоқлари бўлади.¹³

2. «Ғино» оҳанги ориятсизлик ва ҳамиятсизликка олиб келади:

Олтинчи пешвоимиз ҳазрати имом Жаъфари Содиқ *(алайҳис салом)* бу ҳақда айтадилар:

قَالَ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ: إِذَا ضَرَبَ فِي مَنْزِلِ الرَّجُلِ أَرْبَعِينَ صَبَاحًا بِالرَّبِطِ وَدَخَلَ الرَّجَالُ وَضَعُ ذَلِكَ الشَّيْطَانِ كُلَّ عَضْوٍ مِنْهُ عَلَيَّ مِثْلَهُ مِنْ صَاحِبِ الْبَيْتِ ثُمَّ نَفَخَ فِيهِ نَفْخَةً فَلَا يَغَارُ بَعْدَهَا حَتَّى تَوْتِيَ نِسَاؤَهُ فَلَا يَغَارُ

«Агар бирор кишининг уйида қирқ кун давомида куй чалинса [ёки эшитилса] шайтон ўша уйга кириб ўз қудрати ва нуфузини ишга солади. Ва бунинг натижасида уй эгасидан орият ва ҳамият буткул олинади. [Шу

13. Ҳусайн Абдуллоҳий Хуруш, “Мусиқанинг асаб ва руҳга таъсири” 29-бет; Олусий, “Тафсири Рухул Маоний” 21-жилд, 6-бет; Оятуллоҳ Макорим Широзий, “Тафсири Намуна” 17-жилд, 25 ва 26-бетлар.

даражагача етиб борадики,] унинг хотинига яқин келинса ҳам [хотини билан бошқалар зино қилса ҳам] у учун бунинг аҳамияти бўлмай қолади».

Манба: Шайх Кулайний, “ал-Фуруъ минал-Кофий”, 6-жилд, 433-бет, Бобул-Ғино, 14-ҳадис; Шайх Хур ал-Омилий, “Васоил аш-шиъа” 12-жилд, 232-бет, 100-боб, 1-ҳадис.

3. «Ғино» оҳанги инсонни Аллоҳнинг зикридан чалғитиб уни ғофиллардан қилиб қўяди:

Бу ҳақда Куръони Каримда шундай марҳамат қилинган:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا ۗ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٦﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар илмсизлик юзасидан Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у [йўл]ни масхара қилиш учун беҳуда сўзни сотиб олуради. Ана ўшалар учун хорловчи азоб бордир» (Луқмон сураси, 6-оят).

Ушбу ояти каримада «беҳуда» ва «бемаъни» сўз Аллоҳнинг йўлидан оздирувчи омиллардан бири эканлиги айтилган. «Беҳуда» ва «бемаъни» сўз одамни шу даражада ўзи билан машғул қилиб қўядики, муҳимроқ ишларни бажаришдан ортда ва ғафлатда қолишига сабаб бўлади ва бу оят тафсирида ривоят қилинган ҳадисларда «беҳуда» сўздан мурод «Ғино» хусусиятига эга куй ва қўшиқлар эканлиги айтилган.¹⁴

Олтинчи пешвоимиз ҳазрати имом Жаъфари Содиқ *(алайҳис салом)* бу ҳақда айтадилар:

قَالَ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ: مَا لَهُ وَاللَّمْلَاهِ؟! فَإِنَّ الْمَلَاهِيَ تُوْرَثُ قَسَاوَةَ الْقَلْبِ وَ تُوْرَثُ التَّفَاقُ

«Мўминнинг «беҳуда» ва «бемаъни» қўшиқлар билан нима иши бор?! Шубҳасиз, бемаъни қўшиқлар бағритошлик ва иккиюзламачиликка олиб келади».

14. Шайх Хур ал-Омилий, “Васоил аш-шиъа” 12-жилд, 84-бет, абвабу маа юктасабу биҳи: 15-боб, 1-ҳадис.

Манба: Муҳаммад Рейшаҳрий, “Мийзонул ҳикмат” 10-жилд, 308-бет, 18469-ҳадис.

Оқибат, инсон қўшиқ ва ашулалар эшитиши натижасида Аллоҳ таолони ва қиёмат кунини унутишига сабаб бўлади.

4. «Ғино» оҳанги инсон иродасини заифлаштиради ва унинг шахсиятини шикастлайди:

Ғино оҳангидаги куй ва қўшиқларни чалиш ёки тинглаш шу қадар киши иродасини бўшаштириб, унинг жинсий ғаризаси (инстинкти)ни кўзғайдики, одамни иродасиз ва беихтиёр ҳолда ҳаракатлантиради ва кишининг ҳис-туйғуларини қўшиқчи ва хонанданинг ихтиёрига топшириб қўяди.

5. «Ғино» инсон руҳияти ва асабига салбий таъсир кўрсатади ва унинг руҳий мувозанатини бузиб юборади:

Инсоннинг бутун организмига таъсир ўтказадиган мавзулардан бири бемаъни ва енгил-елпи куй ва қўшиқлардир. Зеро, қўшиқ инсон организмнинг симпатик ва парасемпатик тизимига таъсир этиб, унинг руҳий мувозанатини бузади ва бунинг ортидан тана саломатлигига босим ўтказади. Ғамгин ёки қувноқ кайфиятдаги куй ва қўшиқлар баъзан асаб мувозанатини шу даражада бузадики, ошқозоннинг сўриши, шира ажратиши, овқат ҳазм қилиши, итариб чиқариши, юрак уриши ва қон босими ҳамда организмдаги бошқа суюқликларга путур етказиб, шахсни кўплаб касалликларга яқинлаштиради.

Шунингдек, куй ва қўшиқнинг асаб тизимига ўтказадиган кучли босими таъсирида юзага келадиган ташқи кўзғатишлар, инсондан фикрлаш қобилиятини олиб қўяди ва оқибат, қўшиқ тингловчи шахсларда телбалик ва хасталик белгилари пайдо бўла бошлайди.¹⁵

Шундай экан, «Ғино» хусусиятига эга куй ва қўшиқлар асаб тизимини бузадиган омиллардан биридир. Дунёнинг машҳур хонанда ва мусиқачиларининг таржимаи ҳоли шуни кўрсатадики, улар ўз ҳаётлари давомида руҳий нохушликларга чалиниб, бора-бора асабий соғликларини йўқотганлар. Уларнинг баъзилари руҳий хасталикларга мубтало бўлган бўлсалар, айримлари ақл-хушларини қўлдан бериб қўйганлар ва улардан

15. “Maine” турли даражаларга эга бўлган телбаликнинг бир тури.

бир гуруҳи фалаж ва нотавонликка учраб ва баъзилари эса мусиқа ва кўшиқ куйлаётган пайтда қон босими юқорига кўтарилиб, тўсатдан юрак хуружига дучор бўлганлар.¹⁶

Бу ерда уларнинг айримларига ишора этамиз:

Мусиқачиларнинг етмиш беш фоизи фикрий безовталикларга тутилганлар. Жиннилик ва телбалик ҳолатига мубтало бўлган мусиқачилардан Бетҳовен, Шуберт, Дворжак, Шуман ва Ницшеларни кўриш мумкин. Менделис, биринчи Бах ва Шопен эса нерв фаолиятининг бузилиши натижасида жиннилик даражасига етиб борган мусиқачилар гуруҳидандир.

Интеллектуал журнали бўлиб ўтган бир мусиқа концерти ҳақида ёзади:

*«Ўғил ва қизлар титратувчи ва шўх кўшиқларни куйлаётиб, зал ларзага келади-да, қизлар қичқириб бир-бирларининг сочларини ҳовуч-ҳовуч юлиб бош ва қулоқларига мушт ура бошлашади. Ва ўғиллар эса ҳушдан кетишади».*¹⁷

*«Мелбурн шаҳрида эллик минг киши мусиқа концертини тинглагач, бирданга ҳамма ҳаяжонланиб бирор сабабсиз бир-бирларига жароҳат етказа бошлашди. Полиция етиб келгунича, бир неча киши пичоқлаб ўлдирилди, бир неча аёлга тажовуз қилинди ва кўп кишилар яраландилар».*¹⁸

Бинобарин, баъзи шифокорларнинг гувоҳлик беришича, «*Fiно*» хусусиятига эга кўшиқ ва оҳанглар асаб фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, кишининг депрессия (оғир руҳий ҳолат)га тушиб, юқори қон босимига мубтало бўлишига сабаб бўлади.¹⁹

Ҳар қандай кўшиқ ва мусиқа ҳам асаб тизими учун зарарли бўлмаслиги мумкин, балки кўшиқ ва ашула эшитишга мук тушиб ҳаддан ортиқ бунга одатланиб қолса, шунда юқорида келтирилган зарарлар кўрина бошлайди. Аммо диққат қилишимиз лозимки, агарчи кўшиқнинг мазкур зарарларини

16. Ҳусайн Абдуллоҳий Хуруш, “Мусиқанинг асаб ва руҳга таъсири” 29 ва 92-бетлар; Оятуллоҳ Макорим Широкий, “Тафсири Намуна” 17-жилд, 26-бет.

17. Ҳусайн Абдуллоҳий Хуруш, “Мусиқанинг асаб ва руҳга таъсири” китобининг иқтибосига кўра, Интеллектуал журналининг 556-сони ва 26-бет.

18. “Мусиқа, дин ва илм нигоҳидан” Кайҳон журналининг 6265-сони, 20-бет, Руйтерс хабар агентлигидан иқтибос келтирилган.

19. Оятуллоҳ Макорим Широкий, “Тафсири Намуна” 17-жилд, 24-бет.

кўп ўринларда учратмасак-да, лекин унинг маънавий жиҳатдан салбий оқибатларига совуққонлик билан енгил қарамаслик керак.

6. Мустамлакачилар ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида «Ғино» оҳангидан қурол сифатида фойдаланишади:

Жаҳон мустамлакачилари ҳар доим халқларнинг, айниқса ёш авлоднинг уйғонишидан кўрқиб келганлар. Чунки, улар ўзларининг мустамлакачилигини давом эттириш учун режалаштирган кенг кўламли дастурларининг асосий қисми – бу жамиятни ғафлат, жаҳолат ва билимсизлик ҳолатида сақлаб, халқлар орасида турли носоғлом ўйин-кулги воситаларини ривожлантиришдир. Фисқу фасод ва бузғунчилик масканларини ҳамда қимор клубларини барпо этиш ва шунингдек, бошқа носоғлом ўйин-кулги турларини, жумладан «Ғино» хусусиятига эга куй ва кўшиқларни кенг ривожлантириш мустамлакачиларнинг одамлар онгини заҳарлаш учун қўллайдиган энг муҳим воситаларидандир.²⁰

7. «Ғино» оҳанги инсон ҳаётидан хайру баракотни кетказди:

Расули Акрам (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар:

«*لَا تَدْخُلُ الْمَلَائِكَةُ بَيْتًا فِيهِ خَمْرٌ أَوْ دِفٌّ أَوْ طَبُورٌ أَوْ نَرْدٌ وَلَا تُسْتَجَابُ دُعَاؤُهُمْ وَتَرْفَعُ عَنْهُمْ الْبَرَكَاتُ*»

«Фаришталар май, (шилшилали) доира, танбур ва нарда каби мусиқа ва қимор асбоблари бўлган уйга кирмаслар, ўша уйдагиларнинг дуоси ижобат бўлмас ва хайру баракот улардан кўтарилиур».

Манба: Шайх Хур Омилий, “Васоил аш-шиъа” китоби, 17-жилд, 315-бет, 13 (22638)-ҳадис; Муҳаддис Нурий, “Мустадрок ал-Васоил аш-шиъа” 13-жилд, 218-бет, 15 (15174)-ҳадис.

Диний адабиётлар ва ҳадиси шарифларда фаришталар бирор уйга кирганида ўзлари билан хайру баракот олиб келиши ва кирмаганида эса ўша уйдан хайру баракот кўтарилиб, қилинган дуолар ижобат бўлмаслиги таъкидлаб айтилган. Демак, бирор уйда шилшилали доира, танбур ва нарда каби мусиқа ва қимор асбоблари бўлса ва ушбу асбоблар билан «Ғино»

20. Юқоридаги манба, 17-жилд, 27-бет.

хусусиятига эга куй ва кўшиқлар (оғир куйда чалинган ашулалар бундан мустасно) чалинса ёки ҳатто доимий тарзда эшитиб келинса, шубҳасиз, у ердан хайру баракот кўтарилади ва дуолар қабул бўлмайди.

8. «Ғино» оҳанги умрни қисқартиради ва тўсатдан ўлимга сабаб бўлади:

Имом Жаъфари Содиқ *(алайҳис салом)* бу ҳақда айтадилар:

قَالَ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ: بَيْتُ الْغِنَاءِ لَا تَوْمَنُ فِيهِ الْفَجِيعَةُ وَلَا تَجَابُ فِيهِ الدَّعْوَةُ وَلَا يَدْخُلُهُ الْمَلِكُ.

«Ғино оҳанги куйланган уй тўсатдан келадиган ўлимдан омонда бўлмагай, у уйда дуолар ижобат бўлмагай ва фаришта у уйга кирмагайдир».

Манба: Шайх Кулайний, “ал-Фуруъ минал-Кофий”, 6-жилд, 433-бет, Бобул-Ғино, 15-ҳадис.

Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифлардан маълум бўлишича, яхши ва солиҳ амаллар инсон ризқининг зиёда ва умрининг узоқ бўлишига сабаб бўлади. Бунинг акси ўлароқ, гуноҳ, бузуклик ва «Ғино» хусусиятига эга «*мутриб*» кўшиқ ва оҳанглари куйлаш ёки эшитиш эса хайру-баракани кетказиб, инсон умрини қисқартиради.

Муסיқачилар ҳаётини синчиклаб кўздан кечирадиган бўлсак, уларнинг тақрибан ҳаммаси инсоннинг ўртача ва табиий умр кўришидан маҳрум ва бенасиб бўлганлар. Уларнинг аксари табиий ҳолдаги ўртача ёшнинг яримига, яъни 60 ёшга етмай жувонмарг бўлишган. Статистика маълумотида кўра, муסיқачилар 30 ва 40 ва 50 ёшлар орасида ҳаётдан кўз юмишган.

Бу ҳақиқат янада равшанроқ бўлиши учун, ҳатто табиий ҳолдаги ўртача ёшнинг ярмидан ҳам озроқ умр кўрган муסיқачиларнинг номуносиб ҳолда тўсатдан ўлимга дучор бўлганлари ҳақидаги кўрсаткични қисман келтирамиз:

1. «*Малибран*»; оврўпалик машҳур муסיқа санъаткори куйлаётган ҳолда 27 ёшида юрак хуружига учради.

2. Баъзи мусиқачилар ўз жонига суиқасд қилиш билан ҳаётига хотима ясаганлар. Жумладан машҳур мусиқачи «Шумана»ни бу ерда мисол қилиб келтириш мумкин. Зеро, у ўзини «Рейн» дарёсига улоқтириши билан худкушлик қилган.

3. Пергулувзий; Италиялик мусиқачи, 1710 - 1736, 26 ёшда вафот этган.

4. Блейний; Италиялик мусиқачи, 1801 - 1835, 34 ёшда вафот этган.

5. Морис Жауберт; Франциялик мусиқачи, 1900 - 1940, 40 ёшда вафот этган.

6. Шусвин; Франциялик мусиқачи, 1855 - 1890, 30 ёшда вафот этган.

7. Мендилес; Германиялик машшоқ, 1809 - 1847, 38 ёшда вафот этган.

8. Шуман; Германиялик мусиқачи, 1810 – 1856, 46 ёшда вафот этган.

9. Шуберт; Австриялик машшоқ, 1797 - 1828, 31 ёшда вафот этган.

10. Моцарт; Австриялик машшоқ, 1756 - 1791, 35 ёшда вафот этган.

11. Иванович Глинка: Россиялик мусиқачи, 1804 - 1857, 53 ёшда вафот этган.

12. Дорагу Мичский: Россиялик машшоқ, 1813 - 1869, 56 ёшда вафот этган.

13. Александр Бердин: Россиялик мусиқачи, 1834 - 1887, 53 ёшда вафот этган.

14. Чайковский: Россиялик машшоқ, 1840 - 1893, 53 ёшда вафот этган.

15. Скрябин: Россиялик мусиқачи, 1872 - 1915, 43 ёшда вафот этган.

16. Диягилов: Россиялик кўшиқчи, 1872 - 1929, 57 ёшда вафот этган.²¹

Шунга ўхшаш кўплаб машшоқ ва мусиқачилар жуда қисқа умр кўриб, умрларидан барака топмай оламдан ўтганлар. Уларнинг ҳаммасини зикр қилиш мумкин бўлмагани учун айримларини мисол ва намуна сифатида келтирдик.

21. Ҳусайн Абдуллоҳий Хуруш, “Мусиқанинг асаб ва руҳга таъсири” номли китобдан иқтибос келтирилди.

Муסיқачиларнинг қанча умр кўргани ҳақидаги статистикадан яққол маълум бўладики, кўшиқ ва ашула ўзининг содиқ ишқибозлари бўлмиш муסיқачию машшоқларга ҳеч қачон ва ҳеч бир жойда вафо қилмаган, балки уларга ҳаддан ортиқ меҳрсизлик кўрсатиб, намуна учун улардан ҳатто бир кишига ҳам 100 йил умр кўришга ижозат бермаган. Аксинча, уларнинг деярли ҳаммасини жувонмарг этиб, 20 ва 50 ёшлар орасида ёки бир оз кўпроқ умр кўрар-кўрмас жонларини олиб қўйган!

Яна бир ҳақиқатни эътироф этмай иложимиз йўқ. Агар мабодо муסיқачилар орасида олтмиш ёшдан ошган кишиларни учратиб қолгудек бўлсак, бундайлар кўпинча куй ва кўшиққа унча ҳам берилиб кетмай, ҳаётларининг муҳим ва қалтис қисмини турли ва сокин касблар билан ўтказишган.

Жаҳон олимлари нуқтаи назаридан муסיқанинг зарарлари:

Таниқли француз олими ва ёзувчиси Виктор Гюго, психолог Арон Копланд ва рус ёзувчиси Леон Толстой сингари кўпгина психолог ва олимларнинг фикрига кўра, муסיқа ва кўшиқ одамларнинг ҳис-туйғуларини ғайритабиий ва ғайриоддий тарзда кучайтиради, кишини онгсиз ва ғайришуурий равишда буткул бошқа бир дунёга шўнғитиб юборади ва одамда воқеликдан узоқ бўлган хаёл суриш ва ўй-хаёлларга чўмиш қобилиятини оширади.

Бу ерда айрим файласуф ва руҳшунос олимларнинг муסיқа ва кўшиқ тинглаш зарарлари ҳақидаги фикрлари билан танишамиз:

1. Таниқли немис файласуфи *Гегел* ёзади:

«Мукулмонлар ўзларининг оддий ибодатхоналарида зикр ва ибодат қилишлари фикр юрийтишни юзага келтиради ва христианларнинг черковдаги қўнғироқ товушларию эшик ва девордаги турли тасвирлари билан қиладиган дуолари эса чалкашиши ва гангил қолишдан ўзга нарсага олиб келмайди»²².

2. Машҳур немис файласуфи *Имануил Кант* айтади:

22. Доктор ва Пернинг мунозараси, 452 ва 453-бетлар, «Гегел фалсафасининг асослари» китобидан иқтибос келтирди.

«Муסיқа агарчи ҳамма санъатлардан кўра ёқимлироқ бўлса-да, лекин инсонга ҳеч нарсани ўргатмагани учун барча санъатлардан пастроқдир»²³.

3. Нью-Йорк шаҳрининг шифохонаси доктори ва бош оғрик Клиникасининг раиси *Арнолд Фридманий* мия тўлқинларини аниқловчи электрон жиҳозлар ёрдамида ва минглаб беморларнинг унга мурожаат қилиши билан қуйидаги натижага эришди:

«Рухий ва ақлий чарчашларнинг ва асаб бош оғригининг муҳим омилларидан бири, радиода узатиладиган қўшиқларни тинглашдир»²⁴.

4. Франциялик танқидчи шоир *Теофиль Готье* айтади:

«Муסיқа энг қадрли, лекин шовқин-суронларнинг энг ёқимсизидир. Мен сукунатни энг жозибали куй ва оҳанглардан афзал кўраман»²⁵.

5. Француз ёзувчиси *Алфред Домоссе* шундай ёзади:

«Муסיқа бизни инсон учун номаълум бўлган оламда сайр қилиш сари етаклайди».

6. Таниқли Француз ёзувчиси *Виктор Гюго* айтади:

«Муסיқани ёқтиришимизнинг сабаби, биз уни тинглашимиз билан хаёллар ва орзу-тилақлар дунёсига шўнгишимиздир».

7. Россиянинг энг йирик муסיқа драматизери *Модест Петрович Мусоргский (1839-1881)* ёзади:

«Муסיқа асаб тизимига шу даражада ҳукмрон бўлиб оладики, баъзан кишини кулдиради, баъзан йиғлатади, баъзида кишининг аъзойи баданини беихтиёр ҳаракатга келтиради ва гоҳида эса севги ва шаҳват ўтини алангалайди. Мен ҳеч қачон ўзимни шундай бир нарсага топшириб қўймайманки, у мени ўзининг қули ва хизматчиси қилиб олиб ақлим, онгим ва асабим устидан ҳукм сурсин».

8. Колумбия Университетининг профессори Доктор *Волф Адлер*нинг қўлга киритган илмий текшируви натижаси;

23. Хусайн Абдуллоҳий Хуруш, “Муסיқанинг асаб ва руҳга таъсири” 135-бет.

24. «Муסיқа дин ва илм-фан нигоҳидан», 135-бет; “Newsweek” журналидан иқтибос.

25. Санъаткор ким? 113-бет, “Буюк эркакларнинг фикрлари” китобидан иқтибот.

Сўнги аср олимлари мусиқанинг инсон нервларига салбий таъсир кўрсатишини тушиниб етган бўлсалар-да, бироқ бир тоифа олимлар унинг ахамиятини эътибордан четда қолдириб бу борада ғафлатга йўл қўйганлар. Аммо бир неча йил олдин Колумбия Университетининг профессори Доктор Волф Адлер энг яхши ва энг жозибали мусиқа куйларининг инсон асаб тизимига энг салбий таъсир кўрсатишини, айниқса ҳаво иссиқ бўлганда, бу ҳалокатли таъсир анча юқори бўлишини, Саудия Арабистони ва Эроннинг айрим ҳудудлари каби жазирама иссиқ ва тропик минтақаларда ҳаддан ошиқ салбий таъсир кўрсатишини исботлади. Профессор Волф Адлер мусиқанинг зарарини кўпроқ изоҳлаб ёзади:

«Мусиқа бизнинг асаб тизимимизни ўзининг гайритабиий жозибадорлиги билан қаттиқ чарчаттишдан ташқари, мусиқада юзага келадиган овоз тебранишлари ҳаракати табиий ҳолатдан ташқари ҳолда терида терлаш ишлаб чиқаради ва бу ўта зарарли бўлиб, бошқа касалликларнинг келиб чиқишига сабаби бўлиши мумкин».

Доктор Адлер мусиқанинг жуда кўп бошқа зарарларини ҳам топиб бу ҳақда ёзган муфассал асарида уларга изоҳ берган.

Доктор Адлернинг кашфиётлари Америка Қўшма Штатларида шу даражада таъсир кўрсатдики, минглаб одамлар унга эргашишди ва унинг йўл-йўриқларига амал қилиб ашула эшитишни четга суриб қўйишди. Ҳатто улар АҚШ Сенатига ушбу мавзуга доир батафсил қонун лойиҳасини тақдим этиб, жамиятни қутқариш ва бугунги тараққий этган дунёнинг бахтсизликлардан бири бўлмиш нервлар заифлигининг олдини олиш учун ҳар қандай жамоат концертларини тақиқлаш зарурлигини сўрашди²⁶.

Агар ушбу мавзуни диққат билан кўриб чиксак, бугунги цивилизация дунёда шундай бир ҳолатни юзага келтирганки, унинг сабабларини ҳаётдаги камчиликлар ва руҳий бузилишлардан ўзга нарса деб айтолмаймиз. Хулқий бузукликлар, майхўрликлар ва фоҳишабозлигу бузғунликлар кўпинча руҳий салбий реакциялар оқибатида юзага келади ва ахлоқий тубанлашиш шояд тўқсон фоизга қадар бу бахтсизликнинг зарарли таъсиридан юзага келган бўлиб, бунинг энг катта сабабини фақат мусиқа ва ашуланинг умумлаштирилишида излаш керак. Моддий асосларга қурилган бугунги цивилизация мусиқа тинглашни ҳаётнинг зарурий эҳтиёжларидан

26. Бу тадқиқотлар D. illustre (Димонеш Иллюстр) журналининг Париж нашридаги 630-сонидан баён этилган.

бири қилиб кўрсатган. Ҳолбуки, ушбу цивилизация «Ғино» оҳангидаги инсон ҳиссиётини кўзғовчи мусиқа ва кўшиқ жамиятни бузадиган энг ёмон омилларидан бири эканлигига мутлақо эътибор қаратмаган.

Муסיқанинг охирадаги оқибатлари

1. «Ғино» оҳанги эгаларининг қиёматдаги ҳолатлари:

Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай марҳамат қилганлар:

قال رسول الله (صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ) : «يَحْشُرُ صَاحِبَ الطَّنْبُورِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَهُوَ أَسْوَدُ الْوَجْهِ، وَيَبِيدُهُ طَنْبُورُ مِنْ نَارٍ، وَفَوْقَ رَأْسِهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلِكٍ، يَبِيدُ كُلَّ مَلِكٍ مَقْمَعَةً يَضْرِبُونَ رَأْسَهُ وَوَجْهَهُ، وَيَحْشُرُ صَاحِبَ الْغِنَاءِ مِنْ قَبْرِهِ أَعْمَى وَأَخْرَسَ وَأَبْكَمَ، وَيَحْشُرُ الزَّانِيَ مِثْلَ ذَلِكَ، وَصَاحِبَ الْمَرْمَارِ مِثْلَ ذَلِكَ، وَصَاحِبَ الدَّفِّ مِثْلَ ذَلِكَ.»

«Муסיқа асбобининг соҳиби бўлган киши қиёмат кунини юзи қора ҳолда тирилади ва ҳолбуки, қўлида жаҳаннам оловидан бўлган танбурни тутган бўлиб, бошининг тепасида етмиш минг азоб фариштаси турган бўлур. Ҳар бир фариштанинг қўлида гурзи бўлиб, улар ўша шахснинг бошига ва юзига зарба урурлар. Ғино оҳангининг эгаси кўр, соқов ва кар ҳолда қабридан тирилуру. Зинокор ҳам худди шундай, най ва доира чалувчи бўлганлар ҳам худди шундай ҳолда қабрларидан тирилурулар».

Манба: Муҳаддис Нурий, “Мустандрок ал-Васоил аш-шиъа” 13-жилд, 219-бет, 17 (15176)-ҳадис.

Бошқа бир ҳадисда Сарвари олам шундай марҳамат қиладилар:

الشيخ أبو الفتوح في تفسيره: عن أبي أمامة، عن رسول الله (صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ)، أَنَّهُ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى بَعَثَنِي هَدِي وَرَحْمَةً لِلْعَالَمِينَ، وَأَمَرَنِي أَنْ أَحْمُو الْمَرْمَارَ وَالْمَعَازِفَ وَالْأُوتَارَ، وَالْأُوتَانَ، وَأُمُورَ الْجَاهِلِيَّةِ...»

«Шубҳасиз, Аллоҳ таоло мени оламлар учун ҳидоят ва раҳмат этиб юборди ҳамда менга най, гижжак, танбур ва дутор каби чолғу асбобларини, бутларни ва жоҳилиятга хос ишларни йўқ қилишни буюрди».

Манба: Муҳаддис Нурий, “Мустандрок ал-Васоил аш-шиъа” 13-жилд, 219-бет, 16 (15175)-ҳадис.

2. Қўшиқ тингловчининг бахти қаролиги:

على بن إبراهيم، عن هارون بن مسلم، عن مسعدة بن زياد قال: كنت عند أبي عبد الله عليه السلام فقال له رجل: بأبي أنت وأمي إنني أدخل كنيفاً لى ولى جيران عندهم جوار يتغنين ويضربن بالعود فربما أطلت الجلوس استماعاً مني لهنَّ فقال: لا تفعل فقال الرجل: والله ما آتينه إنما هو سماع أسمعُه باذني فقال: الله أنت أما سمعت الله عزَّ وجلَّ يقول: ﴿إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا﴾ فقال: بلي والله لكأني لم أسمع بهذه الآية من كتاب الله من أعجميٍّ ولا عربيٍّ لا جرم إنني لا أعود إن شاء الله وإني أستغفر الله فقال له: قم فاغتسل وصلِّ ما بدالك فإنَّك كنت مقيماً عليٍّ أمر عظيم ما كان أسوء حالك لو ميتٌ علي ذلك أحمد الله وسله التوبة من كل ما يكره فإنه لا يكره إلا كل قبيح والقبیح دعه لأهله فإنَّ لكلُّ أهلاً.

Масъада бин Зиёд ривоят қилади: Мен Абу Абдиллоҳ (имом Жаъфари Содик *(алайҳис салом)*) ҳузурларида эдим. Шунда бир киши ул ҳазратга деди: Ота-онам сизга фидо бўлсин! Мен ҳожатхонага чиқаман, қўшниларимнинг чўрилари бор бўлиб, улар қўшиқ куйлашади ва уд [барбат] билан чертиб чалишади. Баъзида мен уларнинг куйини кўпроқ эшитишим учун ҳожатхонада туришни бир оз узайтираман. Шунда Имом ҳазратлари: «Бу ишни қилма», - дедилар. У шахс яна деди: Аллоҳга қасамки, мен уларга яқинлашмайман, фақат қулоқларим билан уларнинг товушинигина эшитаман, холос. Шунда Имом унга жавобан дедилар: *Сенга Аллоҳни қасамёд этиб айтаманки, Аллоҳ Азза ва Жалланинг ушбу каломини эшитмаганмисан: «Шубҳасиз, қулоқ, кўз ва дил – буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) саволга тугилур»* (Исро сураси, 36-оят). Шунда мазкур шахс деди: Ҳа, эшитганман. Аммо гуё мен ушбу оятни Аллоҳнинг китобидан ҳеч бир ажам ва араб томонидан эшитмагандекман. Шубҳасиз, зинҳор бу ишга қайтмагайман, иншо Аллоҳ ва мен Аллоҳ таолодан (бу ишим учун) мағфират сўрагайман. Шунда Имом ҳазратлари унга дедилар: *«Ўрнингдан тур, гусл ол ва қўлингдан келгунча намоз ўқи! Зероки, сен буюк бир гуноҳ ила машгул бўлгансан. Агар (тавба қилмасдан) шундай ҳолда оламдан ўтсанг эди, аҳволинг қандай ҳам ёмон ва бахти қаро бўлардинг! Аллоҳга ҳамду сано айт ва У хуш кўрмайдиган ҳар бир нарсадан тавба қилиб Ундан кечирим сўра! Зеро, У фақат ёмон ва қабих*

нарсанигина хуш кўрмайди, холос. Қабих ва ёмон ишни ўз аҳлига топшир, зероки, ҳар бир нарсанинг аҳли бўлур».

Манба: Шайх Кулайний, “ал-Фуруъ минал-Кофий”, 6-жилд, 432-бет, Бобул-Ғино, 10-ҳадис, Исломия нашри; Муҳаддис Нурий, “Мустадрак ал-Васоил аш-шиъа” 13-жилд, 221-бет, 4 (15184)-ҳадис; Саййид Муҳаммад Ҳусайн Таботабой, “Тафсийрул-Мийзон” 13-жилд, 107-бет.

3. Қулоқларга эритилган қўрғошин қуйилиши:

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бу борада шундай марҳамат қиладилар:

عن النبي (صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ)، قال: «من استمع إليَّ اللهم يذاب في أذنه الآنك».

«Кимки, беҳуда ва бемаъни қўшиқ ва куйга қулоқ солса, [қийёмат куни] унинг қулогига эритилган қўрғошин қуйилади».

Манба: Муҳаддис Нурий, “Мустадрак ал-Васоил” 13-жилд, 221 ва 222-бетлар, 5 (15185)-ҳадис.

4. Имом Али (алайҳис салом)нинг муסיқачига кўрсатган муносабатлари:

ونقل: أنه سمع أمير المؤمنين (عليه السلام) رجلاً يطرب بالطنبور، فمنعه وكسر طنبوره ثم استتابه فتاب، ثم قال: «أتعرف ما يقول الطنبور حين يضرب؟» قال: وصي رسول الله (صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ) اعلم. فقال: «أنه يقول:

ستدخل جهنم أيا ضاربي».

ستندم ستندم أيا صاحبي

Мўминлар амири Али (алайҳис салом) танбур чаладиган бир одамни эшитиб, насихат юзасидан уни бу ишдан қайтардилар ва унинг танбурини синдиришни буюрдилар. Сўнгра уни бу ишидан тавба қилишга чақирдилар. Ўша шахс тавба қилгач, ул ҳазрат шундай дедилар: «Танбур чалинганида, у нима дейишини биласанми?» Йўқ, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг вориси билгувчирокдир, - деди у. Шунда ул ҳазрат дедилар:

«Чолгу асбоби [чалувчисига]: Тез орада пушаймон бўласан, тез орада пушаймон бўласан, эй менинг эгам! Тез орада дўзахга кирасан, эй менинг чалувчим, - дейди».

Манба: Муҳаддис Нурий, “Мустадрак ал-Васоил” 13-жилд, 220-бет, 20 (15179)-ҳадис; Шайх Аббос Қумий, “Сафийнатул Биҳор” 7-жилд, 623-бет, 10280-ҳадис, “Усва” нашриётининг чопи.

Айрим ҳадисларга кўра, бу дунёда «*Ғино*» оҳангидаги мутриб қўшиқ ва ашулаларни тинглаган киши гуноҳлари кечирилиб жаннатга кирган тақдирда ҳам у ердаги дарахтларнинг силкинишидан юзага келадиган ўта ёқимли куй ва оҳангни эшитишдан маҳрум бўлади, аммо ўзини тийган эса уни эшитади. Еттинчи пешвоимиз имом Козим *(алайҳис салом)* бу борада марҳамат қиладилар:

عنسهل بن زياد، عن ياسر الخادم، عن أبي الحسن عليه السلام قال: «من نزه نفسه عن الغناء فإنَّ في الجنة شجرةً يأمر الله عزَّ وجلَّ الرِّيحَ أن تحركها فيسمع لها صوتًا لم يسمع بمثله ومن لم يتنزه عنه لم يسمعه».

«Кимки, ўзини [бу дунёда] *ғино* оҳангидаги қўшиқни эшитишдан тийса, жаннатда шундай бир дарахт борки, Аллоҳ Азза ва Жалла шамолларга уни силкитишни буюради, шунда ўша киши [бу дунёда] унга ўхшаганни эшитмаган бир овозни эшитади».

Манба: Шайх Кулайний, “ал-Фуруъ минал-Кофий”, 6-жилд, 434-бет, Бобул-Ғино, 19-ҳадис, Исломия нашри.

Ғино оҳангидаги мутриб қўшиқ ва ашуланинг Исломда ҳаром этилганига далиллар

Юқорида баён этилган зарарлар ва салбий оқибатлар «*Ғино*» хусусиятига эга мутриб (ҳаяжонлантирувчи, табиий ҳолатдан чиқариб юбориб кўзгатувчи) қўшиқ ва ашулалар ҳаром этилганининг ҳикмати ҳисобланади, том маънодаги сабаби эмас. Шу сабабли, айрим ҳолларда «*Ғино*» оҳангининг мазкур зарарлари ва салбий оқибатлари кўзга кўринмаса-да, яна унинг ҳаром этилганлик ҳукми ўз ўрнида қолаверади.

Шунга биноан, «*Ғино*» оҳангидаги мутриб қўшиқ ва ашулаларнинг шариати исломияда ҳаром қилинганлигининг асосий далили Қуръон оятлари ҳамда пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ва ул зотнинг зурриётларидан бўлган имомларимиз томонидан айтилган ҳадислардир. Ва ушбу далилларни теран ўрганиб чиқиш фикҳ

соҳасига тегишли ихтисосий ва ижтиҳодий баҳс бўлгани боис, ушбу мақоламизда улар устида чуқур баҳс юритиш имконияти мавжуд эмас. Лекин шунга қарамай, қисқа ва лўнда қилиб баъзи далилларни шу ерда келтирамиз:

I. Агарчи Қуръони Карим оятлари ошкор ва равшан ҳолда «*Ғино*» оҳангининг ҳукмини баён қилмаган ва кўпгина аҳкомлар каби тамойиллар ва умумий таълимотларни ифода этган бўлса-да, бироқ баъзи оятларнинг тафсирида Расули Акрам *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ва ул зотнинг Аҳли-Байтларидан ворид бўлган ҳадисларда «*Ғино*» оҳангининг ҳукми баён қилинган. Бу борада бир неча оятни шу ерда келтирамиз:

وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا ﴿٧٢﴾

«Улар (Раҳмон бандалари) ноҳақ гувоҳлик бермайдиганлардир ва лагв (беҳуда сўз ё амал) ёнидан ўтганларида, олийжаноб ҳолда ўтарлар». (Фурқон сураси, 72-оят)

فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ وَاجْتَنِبُوا قَوْلَ الزُّورِ ﴿٣٠﴾

«Бас, бутлардан иборат нажосатдан йироқ бўлинг ва ботил сўздан сақланинг». (Ҳаж сураси, 30-оят)

1. Имом Жаъфари Содиқ *(алайҳис салом)* юқоридаги оятлар борасида айтадилар:

عن أبي عبد الله عليه السلام في قوله عز وجل: ﴿لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ﴾ قال: الغناء.

«Улар ноҳақ гувоҳлик бермайдиганлардир» дейишдан мурод «*Ғино*» оҳангидир.

عن أبي عبد الله عليه السلام في قول الله تعالى: ﴿وَاجْتَنِبُوا قَوْلَ الزُّورِ﴾ قال: قول الزور الغناء.

Аллоҳ таолонинг «ботил сўздан сақланинг» иборасидаги ботил сўздан мурод «*Ғино*» оҳангидир²⁷.

27. Шайх Ҳур ал-Омилий, «Васоил аш-шиъа», 12-жилд, 99-боб: Таҳриймул ғино хатто фил-Қуръони ва ужротихи: 2, 3, 5, 8, 9 ва 26 –ҳадислар, 225, 226, 227 ва 230-бетлар.

2. Имом Жаъфари Содиқ (алайҳис салом) қуйидаги ояти карима:

وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ﴿٣﴾

«Улар беҳуда сўздан юз ўгиргувчилардир» (Мўминун сураси, 3-оят) борасида айтадилар:

قال أبو عبد الله عليه السلام: يعنى الغناء والملاهى

Оятдаги «беҳуда сўздан» мурод «Ғино ва ўйин-кулги»дир²⁸.

3. Имом Муҳаммад Боқир ва имом Жаъфари Содиқ (алайҳимус салом)лар қуйидаги ояти карима:

وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَّخِذَهَا هُزُوًا ۗ أُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿٦﴾

«Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар илмсизлик юзасидан Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўл)ни масхара қилиш учун беҳуда сўзни сотиб олуради. Ана ўшалар учун хорловчи азоб бордир» (Лукмон сураси, 6-оят) борасида шундай деб марҳамат қилганлар:

عن أبي جعفر عليه السلام قال: سمعته يقول: الغناء ممّا وعد الله عليه النار وتلا هذه الآية:

«Ғино оҳанги Аллоҳ таоло дўзах азобини ваъда берган нарсалардандир», деб ушбу оятни тиловат қилдилар.

عن أبي عبد الله عليه السلام قال: سمعته يقول: الغناء مما قال الله عز وجل: ﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْتَرِي لَهْوَ الْحَدِيثِ

لِيُضِلَّ عَن سَبِيلِ اللَّهِ﴾

«Одамлардан Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун беҳуда сўзни сотиб оладиган кимсалар ҳам бор»даги «беҳуда сўз»дан мурод «Ғино» оҳангидир²⁹.

Агарчи мазкур ҳадисларнинг аксариятида бу оятлар «Ғино»га татбиқ этилган бўлса-да, бироқ баъзи ҳадисларда улар қўшиқ ва ашулага ҳам

28. Абул Қосим Фуруд бин Иброҳим ибн Фурут ал-Куфий, «Фурут Куфий тафсири», 2-жилд, 57-бет ва айрим чопларда 88-бет.

29. Шайх Ҳур ал-Омилий, «Васоил аш-шиъа», 12-жилд, 99-боб: Таҳриймул ғино ҳатто фил-Қуръони ва ужротихи: 6, 7, 11, 16, ва 25-ҳадислар.

татбиқ қилинган³⁰. Фуқаҳолар ҳам ушбу оятларнинг баъзиларини кўшиқ ва муסיқага татбиқ этганлар³¹.

II. «*Ғино*» оҳангининг ҳаром эканлигига энг асосий далил, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва ул зотнинг Аҳли-Байтларидан бизга етиб келган ҳадислар бўлиб, улар равшан ва ошкор ҳолда «*Ғино*»нинг ҳаромлигига далолат қилишади. Биз бу ерда мисол қилиб, баъзи ҳадисларни келтирамыз:

Имом Муҳаммад Боқир (алайҳис салом) айтадилар:

عن أبي جعفر عليه السلام قال: سمعته يقول: الغناء مُمَّا وعد الله عليه النار

«*Ғино* оҳанги Аллоҳ таоло дўзах азобини ваъда берган нарсалардандир»³².

Имом Жаъфари Содиқ (алайҳис салом) айтадилар:

وفي (الخصال) عن أبيه، عن سعد، عن يعقوب بن يزيد، عن ابن أبي عمير عن مهران بن محمد، عن الحسن بن هارون قال: سمعت أبا عبد الله عليه السلام يقول: الغناء يورث النفاق، ويعقب الفقر.

«*Ғино* оҳанги нифоқ ва иккиюзламачиликни мерос қилиб қолдиради ва қашишоқликни юзага келтиради».

عن عبد الله بن أبي بكر عن محمد بن عمرو بن حزم في حديث قال: دخلتُ علي أبي عبد الله عليه السلام فقال: الغناء اجتنبوا الغناء اجتنبوا قول الزور، فما زال يقول: اجتنبوا الغناء اجتنبوا فضايق بي المجلس وعلمتُ أنه يعني.

Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳазм ривоят қилади: Мен Абу Абдиллоҳ (имом Жаъфари Содиқ (алайҳис салом)) ҳузурларига кирдим. Шунда ул ҳазрат: «*Ғинодан сақланинг, ботил сўздан сақланинг*», - дедилар ва шундай деб давом этавердилар: «*Ғинодан сақланинг, сақланинг..*» Шу сўздан сўнг,

30. Олдинги манба, 12-жилд, 100-боб, 3-ҳадис, 233-бет.

31. Оятуллоҳ Хумайний, 1-жилд, 2-бет.

32. Шайх Хур ал-Омилий, «Васоил аш-шиъа», 12-жилд, 99-боб, 6-ҳадис, 226-бет.

ўтирган жойимда сиқила бошладим ва ул ҳазрат мени назарда тутаётганларини англаб етдим³³.

III. Мусиқа ва чолғу асбобларини чалиш ҳам ҳаром қилингани ҳақида Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва маъсум имомларимиздан ҳадислар бизга етиб келган бўлиб, уларнинг айримларини зикр этамиз:

وعن علي بن إبراهيم، عن أبيه، عن النوفلي، عن السكوني، عن أبي عبد الله عليه السلام قال: قال رسول الله صلي الله عليه وآله: أنهاكم عن الزفن والمزمار وعن الكويات والكبرات.

Сақуний имом Жаъфари Содиқ (*алайҳис салом*)дан ривоят қилади: ул ҳазрат дедилар: Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*): «Сизларни бемаъни рақс-ўйнашдан ва [рақс мажлисларига муносиб] най (чалиш)дан ҳамда гижжак ва думбуракдан қайтараман», деб марҳамат қилдилар³⁴.

عن سهل، عن سليمان بن سماعة، عن عبد الله بن القاسم، عن سماعة قال: قال أبو عبد الله عليه السلام لما مات آدم شَمِتَ به إبليس وقابيل فاجتمعا في الأرض فجعل إبليس وقابيل المعازف والملاهي شماتة بآدم عليه السلام فكل ما كان في الأرض من هذا الضرب الذي يتلذذ به الناس فإنما هو من ذلك.

Самоъа имом Жаъфари Содиқ (*алайҳис салом*)дан ривоят қилади: Ул ҳазрат шундай марҳамат қилдилар: «Одам ато вафот этганида, Иблис (Шайтон) ва Қобил ул ҳазратнинг вафотидан қувониб ер юзида жамланишди. Иблис ва Қобил Одам (*алайҳис салом*)нинг ўлиmidан шодлангани учун гижжак, танбур ва дутор каби мусиқа асбобларини ясаб олиб ўйин-кулги қилишди. Шундай экан, ер юзида одамлар завқланиб лаззатланадиган мана шу турдаги ўйин-кулгиларнинг ҳаммаси шак-шубҳасиз, Шайтондир».³⁵

Юқорида келтирилган Қуръоний ва ҳадисий далиллардан ошкора ҳолда «мутриб», яъни ҳаяжонлантирувчи ва кўзғатувчи оҳангдаги мусиқа ва кўшиқни ўргатиш ҳаром эканлигини ҳамда бу ҳаром йўл билан топилган пул ва даромад ҳам ҳаромлигини, ҳатто беҳуда ва бемаъни ўйин-кулгига

33. Шайх Хур ал-Омилий, «Васоил аш-шиъа», 12-жилд, 99-боб, 24-ҳадис, 230-бет.

34. Юқоридаги манба, 12-жилд, 100-боб, 6-ҳадис, 233-бет.

35. Олдинги манба, 5-ҳадис, 233-бет.

хос бўлган чолғу асбоб-воситаларини олиб сотиш билан шуғулланиш ҳам ҳаром эканини истинбот қилиш мумкин.

Мужтаҳидларимизнинг «*Ғино*» оҳангидаги мусиқа ва кўшиқ ҳақидаги фатволари

Ушбу мақоламизда мусиқа, кўшиқ ва ашуланинг маъно-моҳиятини турли қарашлар асосида ўрганиб чиқиб унинг турли қирраларини баён қилгач, энди сўзимиз пировардида мусиқа тинглаш масаласининг ҳукмини тақлид маржаълари бўлган мужтаҳидларимизнинг фатволари асосида кўриб чиқамиз:

1. Савол: Қандай мажлисга бемаъни ўйин-кулги мажлиси дейилади?

Жавоб: Айшу ишрат, нафсоний хою ҳавас йўлидаги ўйин-ракс учун барпо этилган ва диндорлар наздида гуноҳ ҳисобланган мажлисга «бемаъни ўйин-кулги мажлиси» дейилади. Мана шундай мажлисга муносиб келадиган шаклда чалинган мусиқани тинглаш ҳаромдир.

Манба: Оятуллоҳ Макорим Широий, Истифтоъот китоби, 2-жилд, 704-савол; шунингдек, Оятуллоҳ Баҳжат, Тавзийҳул масоил китоби, турли масалалар бобидаги 20-масала.

2. Савол: Агар мусиқани эшитганда одамга ҳеч қандай таъсир қилмасанда, яна ҳам эшитиш ҳаромми?

Жавоб: Барча мужтаҳидларнинг фатволарига биноан, агар юқорида айтилганидек ҳаром мусиқалар туридан бўлса, унда тинглаш жоиз эмас, агарчи таъсир қилмаса ҳам.

Манба: Оятуллоҳ Мусавий Хумайний (Имом Хумайний), Истифтоъот китоби, 3-жилд, Турли саволлар боби, 110-савол.

3. Савол: Бизни никоҳ тўйи ва шунга ўхшаш маросимларга тақлиф қилишди. Тўй давомида кўзгатувчи ва ҳаяжонлантирувчи мусиқалар чалинди. Шу пайт, вазифамиз нима? (нима қилишимиз керак?)

Жавоб: Ҳамма мужтаҳидларнинг фатволарига биноан, агар таъсир қилишнинг эҳтимоли бўлса, шароит муҳайё бўлиши билан наҳйи мункар қилинг (бу гуноҳ ишдан қайтаринг) агар мажлисдагилар сизнинг сўзингизни қабул қилмасалар ҳамда сизнинг у ердаги иштирокингиз ҳаром мусиқани тинглашга ёки ушбу гуноҳни тасдиқлашга сабаб бўладиган бўлса,

у ҳолда сиз мажлисни тарк этишингиз зарур. Илло тарк этган тақдирда қийинчилик ва машаққат туғиладиган бўлса, у ҳолда мажлисни тарк этмаслик жоиздир.

Манба: Оятуллоҳ Макорим Широкий, Истифтоёт китоби, 1-жилд, 1160-савол ва қолган мужтаҳидларнинг фатволари ҳам худди шундайдир.

4. Савол: Автобусда кетаётганда баъзан кўзгатувчи ва хаяжонлантирувчи тарона ва кўшиқлар қўйилади ва ҳайдовчига айтишнинг ҳам фойдаси йўқ. Шундай пайтда кўшиқ тинглаб боришнинг ҳукми қандай?

Жавоб: Агар ҳайдовчига наҳйи мункар қилганда қабул қилмайдиган бўлса ҳамда сиз ҳаром мусиқани тинглашингизга ёки ушбу гуноҳни тасдиқлашингизга сабаб бўладиган бўлса, унда автобусдан тушишингиз керак, лекин агар таронанинг садоси онгсиз равишда қулоғингизга келиб турса, бунинг айби йўқдир.

Манба: Оятуллоҳ Макорим Широкий, Истифтоёт китоби, 1-жилд, 1160-савол ва қолган мужтаҳидларнинг фатволари ҳам худди шундайдир.

Манба: Барча тақлид маржаъларининг муассасаларидан сўраб олинган фатво (истифто) асосида.

5. Савол: Баъзан радио ва телевидиния ҳамда бошқа аудио қурилмаларидан шундай кўшиқлар узатиладики, менинг фикримча, улар айшу ишрат ва ўйин-кулги йиғинларига муносибдир, холбуки, бошқаларнинг нигоҳида бундай эмас. Шундай ҳолда мен уларни тинглашдан қайтарсам бўладими?

Жавоб: Барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан, сизга ўша кўшиқларни тингламаслик вожибдир, аммо бошқаларни бундан қайтариш улар ҳам ҳаром деб билишларига боғлиқ.

Манба: Оятуллоҳ Фозил Ланкароний, Жомиъул масоил китоби, 1-жилд, 929-савол ва қолган мужтаҳидларнинг фатволари ҳам худди шундайдир.

6. Савол: Талабалар ётоқхонасида ҳаром мусиқани тинглайдиганлар билан қандай муомала қилиш керак?

Жавоб: Таъсир қилишнинг эҳтимоли бўлганда ҳамда шароит муҳайё бўлиши билан наҳйи мункар қилинг (бу гуноҳ ишдан қайтаринг) агар улар қабул қилмасалар, ўзингиз уни тинглашдан сақланишингиз вожибдир.

Манба: Барча тақлид маржаъларининг муассасаларидан сўраб олинган фатво (истифто) асосида.

7. Савол: Ҳаром мусиқани аниқлашнинг мезони умум одамларнинг назарими ёки шахснинг ўзими?

Жавоб: Барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан, умум диндорлар ташхиси ва халқ наздидаги умумий урф-тушунча мезон ҳисобланади, шахснинг ўзи эмас.

Манба: Оятуллоҳ Макорим Широкий, Истифтоёт китоби, 2-жилд, 659-савол.

8. Савол: Анъанавий, классик, маҳаллий, поп ва ҳоказолар каби мусиқа турлари ўртасида ҳукм жиҳатидан фарқ борми?

Жавоб: Барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан, мусиқа турлари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ ва мусиқа тинглаш ҳаром этилганининг мезони унинг «*мутриб*», яъни ҳаяжонлантирувчи, қўзғатувчи ҳамда бемаъни ўйин-кулгига хос шаклда бўлишидир. Демак, ҳар қандай мусиқа урф нигоҳида айшу ишрат ва маишатбозлик мажлисларига муносиб бўлган «*мутриб*» ҳолдаги ўйин-кулгига хос мусиқа бўлса, у ҳолда ҳаром мусиқа ҳисобланади, хоҳ классик мусиқа бўлсин ёки классик бўлмасин фарқ қилмайди ва мавзуни (ҳаром мусиқани) аниқлаб олиш эса мукаллаф (балоғат ёшидаги шахс)нинг урфий назарига юклатилган. Аммо агар мусиқа бундай шаклда бўлмаса, у ҳолда ўз-ўзидан ҳаром эмасдир.

Манба: Оятуллоҳ Хоманай, “Ажвибатул истифтоёт” китоби, 1128-савол; шунингдек, Оятуллоҳ Макорим Широкий, “Истифтоёт” китоби, 1-жилд, 527-савол.

9. Савол: Мусиқанинг «*мутриб* ва беҳуда-бемаъни бўлиши» дегани нимани англатади?

Жавоб: Одам куй, ашула ва қўшиқ эшитиш таъсирида унинг нафсида пайдо бўладиган ҳамда уни мўътадил ва мувозанатли ҳолатдан чиқариб юборадиган ақлнинг енгил-елпи ҳолатига «*мутриб*» дейилади. Бу фақат қувончли ва қувноқ ҳолатга чекланибгина қолмай, ғамгин ва қайғули куй-қўшиқларни ҳам ўз ичига олади.

Ашуланинг «беҳуда» ва «бемаъни» бўлишидан мурод чалинган оҳанг ва кўшиқнинг айш-ишрат ва бузғунлик мажлисларига муносиб ва уйғун келишидир. Фуқаҳо ва тақлид маржаъларининг деярли ҳаммалари «беҳуда» ва «бемаъни» бўлишни ҳаром мусиқанинг асосий бўлаги ва шарти деб биладилар. Демак, икки хусусиятга эга бўлган мусиқа, яъни «мутриб»; ҳаяжонлантирувчи ва кўзғатувчи ҳамда «беҳуда» ва «бемаъни» бўлган ва бир сўз билан айтганда, «*Ғино*» оҳангига эга бўлган ҳар қандай кўшиқ, ашула, тарона ва куй ШАРИАТИ ИСЛОМИЯда ҲАРОМ қилинган.

Бироқ чиройли ва дилкаш товушни мутлақо ҳаром деб билиш инсон фитрати ва ақлига тўғри ва уйғун келмайди ва шунингдек, бундай нигоҳ Қуръонни чиройли товуш билан ўқишга буюрган ҳадисларга ҳам муҳолифдир. Шунинг учун ҳаром деганда, махсус оҳангда куйланган кўшиқ ва ашула назарда тугилади ва юқорида келтирилган ҳадиси шарифлардаги «*ботил*» ёки «беҳуда» ва «бемаъни» деб келтирилган иборалардан ҳаром этилган кўшиқ, оҳанг ва куйлар турининг мезонини кўлга кирита оламиз.

Манба: Мужтаҳидларнинг “Тавзийҳул масоил” китоблари, 2-жилд, 813 ва 913-бетлар; “Масоили жаид” 1-жилд, 47-бетдан у ёғи; Сайид Мужтабо, “Талабалар рисоласи” 640 шаръий саволларга жавоблар, 171-бет.

10. Савол: Кўшиқ ва тароналарни дискка ёзиб тарқатиш ва уни олиб сотиш билан шуғулланиш ҳамда мусиқа асбобларини уйда сақлашнинг ҳукми нима?

Жавоб: Барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан, агар ҳаром мусиқа туридан бўлса, у ҳолда олди-сотди билан шуғулланиш ҳамда ундан тушган даромад ҳаромдир.

Мусиқа асбоблари ҳам агар фақат ҳаром ва беҳуда-бемаъни ашула ва кўшиқлар чалишга хос бўлса, унда бундай мусиқа асбобларини уйда сақлаш жоиз эмас ва уларни йўқ қилиш керак. Аммо ҳалол манфаати ҳам бўлган, фақат ҳаром тароналар чалишга хос бўлмаган муштарак чолғу асбобларини эса уйда сақлашнинг айби йўқдир.

Манба: Оятуллоҳ Хоманай, “Ажвибатул истифтоъот” китоби, 1165 ва 1166-саволлар; Оятуллоҳ Макорим Широзий, “Истифтоъот” китоби, 2-жилд, 812-савол ва 1-жилд, 518-савол; Мужтаҳидларнинг “Тавзийҳул

масоил” китоби, 2055 ва 2067 ва 2068-масалалар; Оятуллоҳ Ваҳид Хуросоний, “Тавзийҳул масоил” 2063 ва 2075 ва 2076-масалалар; Оятуллоҳ Нурий Ҳамадоний, “Тавзийҳул масоил” 2051 ва 2062 ва 2063-масалалар.

11. Савол: «*Ғино*»нинг ҳукми овозга тегишлими ёки ашулада айтиладиган сўзнинг маъно-мазмунига тегишли ёхуд иккаласига ҳамми?

Жавоб: Барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан (Оятуллоҳ Систоний ва Табризий бундан мустасно), «*Ғино*»нинг ҳукми овозга тааллуқлидир ва сўзнинг маъно-мазмуни ҳеч қандай рол ўйнамайди.

Манба: Оятуллоҳ Макорим Широзий, “Истифтоъот” китоби, 2-жилд, 701 ва 703-саволлар; Оятуллоҳ Хоманай, “Ажвобатул истифтоъот” китоби, 1150-савол; Оятуллоҳ Ваҳид Хуросоний, “Минҳожус-Солиҳийн” 3-жилд, 17-масала; Оятуллоҳ Нурий Ҳамадоний, “Тавзийҳул масоил” (янги масалалар қисми) Оятуллоҳ Софий Гулпойгоний, “Ҳидоятул ибод” 1-жилд, 1697-масала; Оятуллоҳ Баҳжат, “Васийлатун-Нажот” 1-жилд, 1449-масала; Оятуллоҳ Фозил Ланкароний, “Жомиъул масоил” 1-жилд, 978-савол.

Оятуллоҳ Систонийнинг фатволарига биноан, «*Ғино*»нинг ҳукми ҳар иккаласига ҳам тааллуқлидир. Агар «*Ғино*» оҳангидаги сўзнинг маъноси ботил (пуч ва маъносиз) бўлса, у ҳолда бундай ашулани куйлаш ва тинглаш ҳаромдир. Ва агар мазкур сўзнинг маъноси тўғри ва рост бўлса, унда эҳтиёти вожибга кўра бундай қўшиқни куйлаш ва тинглаш жоиз эмасдир. Илло «*Ғино*» оҳангидаги калом Қуръон, дуо ва зикр бўладиган бўлса, у ҳолда биринчи айтилган ҳукмга эга бўлади, яъни ҳаром бўлади.

Манба: Оятуллоҳ Саййид Али Систоний, “Минҳожус-Солиҳийн” 2-жилд, 20-масала.

Оятуллоҳ Табризийнинг фатволарига кўра ҳам, «*Ғино*»нинг ҳукми ҳар иккаласига ҳам тааллуқлидир. Агар «*Ғино*» оҳангидаги сўзнинг маъноси ботил (пуч ва маъносиз) бўлса, у ҳолда бундай ашулани куйлаш ва тинглаш ҳаромдир. Ва агар мазкур сўзнинг маъноси тўғри ва рост бўлса, унда эҳтиёти вожибга кўра жоиз эмасдир.

Манба: Оятуллоҳ Мирзо Жавод Табризий, “Сиротун-Нажот” 5-жилд, 1151 ва 1162-саволлар; Саййид Мужтабо Ҳусайний, “Талабаларнинг савол-жавоблари, мусиқа ҳукмлари” китобидан фойдаланилди.

12. Савол: Эр-хотинлар бир-бириларига нисбатан истак ва иштиёқлари ошиши учун улар мусиқа тинглай оладиларми?

Жавоб: Барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан, Шариатда ҳаром бўлган мусиқани тинглаш жоиз эмас ва фақат турмуш ўртоғига нисбатан хоҳиш-истакни ошириш мусиқа тинглаш учун шаръий рухсат ҳисобланмайди.

Манба: Оятуллоҳ Хоманай, “Ажвибатул истифтоъот” китоби, 1153-савол ва қолганлар.

13. Савол: Аёлнинг тунги тўй маросимларида «*Ғино*» оҳангида кўшиқ ва ашула айтиши жоизми?

Жавоб: Барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан (Оятуллоҳ Систоний ва Макорим Широзий бундан мустасно), агар аёл куйлайдиган кўшиқнинг маъно-мазмунини ботил бўлмаса, у ҳолда унинг ашула айтиши жоиздир.

Манба: Оятуллоҳ Имом Хумайний, “Таҳрирул васийла”, 1-жилд, (Макосиби Муҳаррама) 13-масала; Оятуллоҳ Ваҳид Хуросоний, “Минҳожус-Солиҳийн” 3-жилд, 17-масала; Оятуллоҳ Софий Гулпойгоний, “Ҳидоятул ибод” 1-жилд, 1698-масала; Оятуллоҳ Баҳжат, “Васийлатун-Нажот” 1-жилд, 1449-масала; Оятуллоҳ Фозил Ланкароний, “Жомиъул масоил” 1-жилд, 997-савол. Оятуллоҳ Нурий Ҳамадонийнинг муассасаларидан олинган фатво; Оятуллоҳ Мирзо Жавод Табризий, “Истифтоъот” китоби, 1057-савол ва “Ват-Таълиқаҳ ғала Минҳожус-Солиҳийн” (Макосиби Муҳаррама) 17-масала.

Аmmo Оятуллоҳ Саййид Али Систоний ва Оятуллоҳ Макорим Широзийнинг фатволарига биноан, аёлнинг ашула айтиши (ҳар қандай ҳолда) эҳтиёти вожибга кўра жоиз эмасдир.

Манба: Оятуллоҳ Макорим Широзий, “Истифтоъот”, 1-жилд, 523-савол; Оятуллоҳ Саййид Али Систоний, “Минҳожус-Солиҳийн” 2-жилд, 22-масала. Саййид Мужтабо Ҳусайний, “Талабаларнинг савол-жавоблари, мусиқа ҳукмлари” китобидан фойдаланилди.

Эслатма: Мужтаҳидларимизнинг фатволари мажмуидан келиб чиқиб шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, аёлнинг тўй кечасида қўшиқ куйлаши, унинг овозини бегона ва номаҳрам эркаклар эшитмаган ҳамда ашулани беҳуда ва бемаъни оҳангда айтмаган тақдирдагина жоиз бўлади.

14. Савол: Баъзи хусусий ва давлат таълим муассасаларида мусиқа ва қўшиқ айтиш услублари таълим берилади. Исломда қўшиқ айтишни ҳамда мусиқа асбобларини чалишни ўргатиш қандай ҳукмга эга?

Жавоб: «Беҳуда» ва «бемаъни» ўйин-кулгига хос бўлган мусиқа ва қўшиқларни ўргатиш, ўрганиш ва шу йўл билан даромад касб қилиш ҳаромдир ва бу эса фасод ва бузукликнинг кўринишларидан бўлиб, ундан сақланиш вожибдир.

Шунингдек, барча тақлид маржаъларининг фатволарига биноан (Оятуллоҳ Баҳжат ва Софий Гулпойгоний бундан мустасно), «беҳуда» ва «бемаъни» ўйин-кулгига хос бўлган чолғу асбоб-воситаларини чалишни ўргатиш ва ўрганиш жоиз эмас, лекин агар муштарак мусиқа асбобларидан бўлса, унда ҳалол ва тўғри фойдаланиш мақсадида бу иш жоиздир.

Манба: Оятуллоҳ Имом Хумайний, “Истифтоъот”, 2-жилд, (Макосиби Муҳаррама) 26-масала; Оятуллоҳ Саййид Али Систоний, “Минҳожус-Солиҳийн” 2-жилд, 11-масала; Оятуллоҳ Макорим Широкий, “Истифтоъот”, 2-жилд, 711-савол; Оятуллоҳ Хоманай, “Ажвибатул истифтоъот”, 1145-савол; Оятуллоҳ Фозил Ланкароний, “Жомиъул масоил” 1-жилд, 992-савол; Оятуллоҳ Мирзо Жавод Табрзий, “Истифтоъот” 1078-савол; Оятуллоҳ Ваҳид Хуросоний ва Оятуллоҳ Нурий Ҳамадонийнинг муассасаларидан олинган фатво асосида.

Аmmo Оятуллоҳ Баҳжат ва Оятуллоҳ Софий Гулпойгонийларнинг фатволарига биноан, «беҳуда» ва «бемаъни» бўлган мусиқа асбобларини чалишни ўргатиш ва ўрганиш ҳаромдир.

Манба: Оятуллоҳ Софий Гулпойгоний, “Жомиъул аҳком” 1-жилд, 1005, 1007, 1020 ва 1018-саволлар; Оятуллоҳ Муҳаммад Тақи Баҳжатнинг муассасаларидан сўраб олинган фатво асосида.

Сўнг сўз; Муסיқа ҳақми ёки ботил?!

Мақоламиз пировардида ўқувчининг диққатини муҳим бир саволга қаратмоқчимиз. Агар «*Ғино*» оҳангидаги муסיқа, қўшиқ ва ашула ҳақ томондами ёхуд ботил, - деб сиздан сўралса, нима деб жавоб берган бўлардингиз?!

Энди ушбу саволнинг жавобини бешинчи пешвоимиз имом Муҳаммад Боқир (*алайҳис салом*)дан эшитсак:

عدة من أصحابنا، عن سهل بن زياد، عن علي بن الريان، عن يونس قال: سألت الخراساني عليه السلام وقلت: إن العباسي [1] ذكر أنك ترخص في الغناء فقال: كذب الزنديق ما هكذا قلت له، سألتني عن الغناء فقلت له: إن رجلاً أتى أبا جعفر عليه السلام فسأله عن الغناء، فقال: يا فلان إذا ميز الله بين الحقِّ والباطل فأنتي يكون الغناء فقال: مع الباطل فقال: قد حكمت.

Бир киши Абу Жаъфар (имом Муҳаммад Боқир (*алайҳис салом*)) ҳузурларига келиб, ул ҳазратдан «*Ғино*» ҳақида сўради. Шунда Имом унга: «*эй фалончи, агар Аллоҳ таоло ҳақ ва ботилнинг ўртасини ажратадиган бўлса, «Ғино» оҳангидаги қўшиқ қайси томонда бўлади?*», - дедилар. Мазкур шахс: Ботил томонда, - деб жавоб берди. Шунда ул ҳазрат: «*Тўғри ҳукм қилдинг*», - дедилар.

Манба: Шайх Кулайний, “ал-Фуруъ минал-Кофий”, 6-жилд, 435-бет, Бобул-Ғино, 25-ҳадис.

Худди шу савол олтинчи пешвоимиз имом Жаъфари Содиқ (*алайҳис салом*)дан сўралганда, ул ҳазрат сўровчига қараб:

و عن جعفر بن محمد (عليهما السلام)، أنه سئل عن الغناء، فقال للسائل: «ويحك إذا فرق بين الحق والباطل، أين تري الغناء يكون؟» قال: مع الباطل والله، جعلت فداك، قال: «ففي هذا ما يكفيك».

«*Ҳақ ва ботилни бир-биридан ажратганда, қўшиқни қайси томонда кўрурсан?*» - деб ундан сўрадилар. У: «*Ғинонинг бўлай, Аллоҳга қасамёд этиб айтаманки, ботил томонда*», - деб жавоб берди. Ул ҳазрат унга:

«Бунинг ўзи [«Ғино» оҳангидаги музиқанинг ботил томонида эканлигини билишинг] сен учун етарлидир», - дедилар.

Манба: Муҳаддис Нурий, “Мустадрак ал-Васоил” 13-жилд, 212-бет, 3 (15143)-ҳадис.

Бундан қандай хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола!!

NAJOTKEMASI.NET – Халқаро Исломий Ахборот ва Тадқиқот Марказида тайёрланди.